

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Урганч давлат университети

Ректори: Б.И. Абдуллаев



2022йил.

**Энг яхши таклифни танлаш бўйича
харид қилиш хужжатлари**

**“КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИЙ ЖАРАЁН ВА ҚУРИЛМАЛАР” ДАРСЛИГИНИ
НАШР ҚИЛИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР БЎЙИЧА ТАНЛАШ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлаш номи: “Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалар” дарслигини нашр қилиб бериш хизмати

Хизматнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 187 000 000 (бир юз саксон етти миллион) сўм.

Ишларни бажариш муддати – 60 кун.

Буюртмачи: Урганч давлат университети (УрДУ)

Молиялаштириш манбаи: Бюджетдан ташқари ўз маблағлари ҳисобидан.

Танлашни ўтказиш шакли:

Нарх усули–энг яхши таклифни ташлаш учун иштирокчилар томонидан **etender.uzex.uz** махсус ахборот портал орқали электрон берлиган таклифининг техник ва квалификацион ҳамда нарх қисимларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг кам нарх таклиф қилган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:

Танлаш **etender.uzex.uz** порталида электрон шаклда ўтказилади

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

1. Китоб ҳажми - 584 бет;
2. Китоб формати - 60x90 1/8;
3. Матн - 1+1 рангда, офсет 70 гр;
4. Муқоваси - 7Б, бумвинил, тиснение;
5. Чизмалар - 175 та қурилма схемаси, шу жумладан 63 та си “КОМПАС” да қайта чизилади;
6. Формулалар - 48 бетда редактор формулда ёзилади;
7. Жадваллар - 59 та жадвал альбом форматдан книжный форматга ўтказилади;
8. Асосий текст 11 шрифтда бўлиши керак;
9. Расм ва формулалар остидаги ёзувлар 9 шрифтда бўлиши керак;
10. Жадваллар 9 шрифтда терилади;
11. Формулалар бет марказида жойлашиши керак;
12. Китоб дизайни ва таҳририй ишлар ижрочи томонидан бажарилади.

Боғланиш учун алоқа маълумотлари ва манзили:

Урганч ш. Х.Олимжон кўча, 14 уй, 220100

УрДУ Бош ҳисобчи ўринбосари – Курязов Эргаш Қадамбаевич, тел: 62 2246695

Аштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:
Ушбу эълон махсус ахборот порталида белгиланган муддати тугайдиган сана ва вақтгача.

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда **etender.uzex.uz** порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

I. Ишларнинг қисқача таърифи

1.1. Танлаш номи: “Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалар” дарслигини нашр қилиб бериш хизмати

1.2. Хизматнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 187 000 000 (бир юз саксон етти миллион)

сўм.

1.3. Ишларни бажариш муддати – 60 кун.

1.4. Буюртмачи: Урганч давлат университети (УрДУ)

1.5. Молиялаштириш манбаи: Бюджетдан ташқари ўз маблағлари ҳисобидан.

II. Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Ғолиб билан ҳисоб китоб миллий валютада (сўм) амалга оширилади.

2.2. Танлаш ғолибига шартнома қийматининг 30 % миқдоридан олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағлар ишлар тўлиқ бажарилгандан ўтказиб берилади.

III. Танлаш тили

3.1. Танлаш хужжатлари ўзбек тилида ёки заруриятга қараб рус тилида тайёрланади.

IV. Харид қилиш хужжатларига доир тушунтиришлар ва тақдим этиш муддати

4.1. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари харид комиссияси билан келишган ҳолда давлат буюртмачиси томонидан тасдиқланади.

4.2. Харид қилиш хужжатлари иштирокчилар томонидан **etender.uzex.uz** махсус ахборот портал орқали электрон шаклда тақдим этилади. Тақдим этиладиган хужжатлар тўғрилигига танлаш иштирокчилари жавобгардир. Маълумотларни нотўғри тақдим этган иштирокчилар Қонун хужжатларида белгиланган тартибда жазоланади.

4.3. Танлаш нарх усули (энг кам нарх таклиф қилиш) орқали амалга оширилади ва энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

4.4. Техник қисмда буюртмачи томонидан кўрсатилган талабларни тасдиқловчи хужжатлар электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади.

Иштирокчилар учун қўйиладиган талаблар:

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи хужжат
1	Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот	Гувоҳнома нусхаси
2	Охириги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлари тўғрисида маълумот	1-шакл*
3	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида	Солиқ инспекцияси маълумотномаси

	маълумотнома	
4	Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва ноинсоф етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида кафолат хати	2-шакл*
5	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)	Солиқ органларининг электрон давлат хизмат порталидан олинган шаклда

Изоҳ: * Шакллар намунаси 5.2 бандда тақдим этилади

4.5. Нарх қисми махсус ахборот портал томонидан автомат ҳисобланиб балл берилади.

4.6. Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, белгиланган муддат тугайдиган сана ва вақтгача бўлади.

V. Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби

5.1. Иштирокчилар қўйилган талаблар учун тақдим қилган ҳужжатларига, яъни техник қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 50 балл ва нарх усулининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 50 балл, умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

Эслатма: Техник қисмдаги 1, 2, 3, 4, ва 5-талаблардан биронтасидан 0 балл олган иштирокчилар танлашдан четлаштирилмайди.

Т/р	Талаблар номи	Фоиз	Максимал балл
1	Техник қисм	50%	
1.	Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот		5
2.	Охириги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлари тўғрисида маълумот		30
3.	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома		5
4.	Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва ноинсоф етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида кафолат хати		5
5.	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)		5
2	Нарх қисм	50%	100

5.2. Техник қисмни баҳолаш тартиби:

1-талаб. Танлов иштирокчиси юридик шахс ташкил қилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тасдиқланиб электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. 4-шакл бўйича кафолат хатини тақдим қилган иштирокчиларга 5 балл, тақдим қилмаган иштирокчиларга эса 0 балл берилади.

2-талаб. Охирги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлари тўғрисида маълумот куйидаги шаклда тасдиқланиб электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади.

Эслатма: Маълумотда иштирокчилар фақат охирги уч йилдаги иш тажрибаси бўйича маълумотларни тақдим қилиши зарур.

1-шакл

**Охирги уч йилдаги иш тажрибаси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Иш ва хизматлар номи	Шартнома қиймати (минг сўм)	Шартнома тузилган буюртмачи номи	Шартнома санаси ва раками	Счет фактура санаси ва раками
2019 йил					
1					
2					
3					
4					
.					
2020 йил					
1					
2					
3					
.					
2021 йил					
1					
2					
.					

Танлаш иштирокчиси раҳбари:

Мухр

Имзо

Тузиш санаси: _____ 2022 й.

Бу талаб бўйича иштирокчиларнинг 1-шаклда тақдим этган иш ва хизматларига асосан ҳисоб-фактуралар ўрганиб чиқилади ва ҳар бир ҳисоб-варақ фактураси учун 3 балл берилади. 10 ва ундан ортиқ шартномаси ва унинг ҳисоб-варақ фактуралари мавжуд иштирокчиларга максимал 30 балл берилади, аммо маълумотномани тақдим қилмаган иштирокчига 0 балл берилади ва танловдан четлаштирилади.

3-талаб. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Қарздорлик йўқ бўлган иштирокчига 5 балл, агар қарздорлик мавжуд бўса **0 балл берилади танлашдан четлаштирилади.**

4-талаб. Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва ноинсоф етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида қафолат хати 2-шакл кўринишида тасдиқланиб электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича қафолат хатини тақдим қилган иштирокчиларга 5 балл, тақдим қилмаган иштирокчиларга эса **0 балл берилади ва танлашдан четлаштирилади.**

2-шакл

Урганч давлат университети
ректорига

КАФОЛАТ ХАТИ

_____ сизга шуни ёзиб маълум қиладики, бизнинг ташкилот томонидан
(ташкилот номи)

“Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалар” дарслигини нашр қилиб бериш хизмати бўйича энг яхши таклифни танлаш жараёнида ва хизмат кўрсатиш даврида ҳеч қандай коррупция кўринишларига йўл қўймасликни, ташкилотимиз ушбу даврда банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлигини қафолатлаймиз.

Танлаш иштирокчиси раҳбари:
Мухр

_____ Имзо

5-талаб. Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи) тасдиқловчи ҳужжат солиқ органларининг электрон давлат хизмат порталидан олиниб электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Маълумот тақдим қилган иштирокчиларга 5 балл, тақдим қилмаган иштирокчиларга эса 0 балл берилади.

5.3. Техник қисмни баҳолаш тартиби:

Нарх қисми махсус ахборот портал томонидан автомат ҳисобланиб балл берилади.

VI. Яқунловчи қисм.

6.1. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари кўриб чиқилиб, харид комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг энг юқори балл олган иштирокчиси ғолиб деб топилади.

6.2. Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.


Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

ИШТИРОКЧИНИ ЧЕТЛАТИШ ШАРТЛАРИ

- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса
- Банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида бўлса;
- Танловни ташкил этиш даврида коррупцион ҳолатларга йўл қўйса ёки аффилиланганлик ҳолатлари аниқланса;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса;

КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси:




А. Атажанов


Харид комиссияси аъзолари:




М. Сиддиқов




А. Хаитбоев




М. Рўзметов



Х. Шихова




О. Курязов



Э. Курязов

Котиб:



Д. Жуманазаров